

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.32/30.12.2020.Yu/74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОДЖАЕВ АЗИМ АБРОРОВИЧ**

**ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ  
ХУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ**

**12.00.06 – Табiiй ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021 йил**

**Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации**

**Content of the Doctoral (PhD) Dissertation**

**Ходжаев Азим Аброрович**

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш..... 3

**Ходжаев Азим Аброрович**

Правовое обеспечение рационального использования природных ресурсов..... 25

**HodjayevAzimAbrorovich**

Legal support for the rational use of natural resources..... 47

**Эълонқилинганишларрўйхати**

Список опубликованных работ

Listofpublishedworks ..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.32/30.12.2020.Yu/74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОДЖАЕВ АЗИМ АБРОРОВИЧ**

**ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ  
ХУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ**

**12.00.06 – Табiiй ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Yu456 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети веб-сайти ([www.mgjxu.uz](http://www.mgjxu.uz)) ҳамда «Ziyounet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сафаров Джахонгир Исмоилович**  
юримдик фанлар доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Усмонов Мухаммади Бахритдинович**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Утегенов Онгарбай Дариябаевич**  
юримдик фанлар доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**  
**кошидаги Юристлар малакасини ошириш**  
**маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.32/30.12.2020.Yu/74.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «18» декабрь соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50; [mg-hti@umail.uz](mailto:mg-hti@umail.uz)). Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети веб-сайти ([www.mgjxu.uz](http://www.mgjxu.uz))

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 218911 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (+99871) 230-32-71; факс: (+99871) 230-32-50).

Диссертация автореферати 2021 йил «04» декабрда таркатилди.

(2021 йил «04» декабрдаги 2-рақамли реестр баённомаси).



**М.Х. Рустамбаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар  
доктори, профессор

**А.А. Нуридуллаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш илмий котиби, юримдик  
фанлар номзоди, доцент

**М.А. Усманова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш кошидаги илмий семинар  
раиси, юримдик фанлар доктори,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш асосий глобал муаммолардан бири сифатида миллий ва минтақавий чегарадан четга чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланиб бораётган ҳозирги шароитда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда табиий ресурслардан оқилона ва тежамкор фойдаланиш, ҳозирги ва келажак авлод саломатлиги учун атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, шу билан бирга иқтисодий-ҳуқуқий барқарор ривожлантириш, ижтимоий эҳтиёжлар ва хавфсиз атроф табиий муҳит ўртасидаги уйғунликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш соҳасида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, атроф табиий муҳитни сақлаган, табиий ресурслардан оқилона фойдаланган, биосферанинг барқарорлиги чегарасини инобатга олган, инсоннинг яшаши учун табиий асоснинг бузилмаслигини таъминлаган ҳолда барқарор ривожланишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий-ҳуқуқий усуллари самарадорлигини оширишорқали табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таҳлил қилиш устувор вазифа ҳисобланмоқда.

Мамлакатимизда барқарор ривожланишнинг муҳим омили сифатида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш борасида кенг қамровли дастурий тадбирлар изчил ва муваффақиятли амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳамда уни амалга ошириш бўйича давлат дастурларида: «одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш<sup>1</sup>; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш<sup>2</sup>; экологик мувозанатни сақлаш ва барқарор ривожланишда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни тартибга солиш<sup>3</sup>; сувни тежайдиган технологияларни кенг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

жорий этиш<sup>1</sup>; табиатни қайта тиклашга қаратилган компенсация механизмларини кенг жорий этиш<sup>2</sup>» каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса, самарали экологик сиёсатни амалга оширишда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг моҳияти, тавсифи ва ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий механизмини такомиллаштиришни илмий тадқиқ этиш зарурлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 30 октябрдаги ПФ–5863-сон «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги 434-сонли «Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 5 сентябрдаги 737-сонли «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сонли «Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ва мавзуга оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот илм-фанни ривожлантиришнинг «Ш. Юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда экология ҳуқуқининг ушбу институтининг шаклланиши, иқтисодий-ҳуқуқий асослари, принциплари ва бошқа жиҳатларига оид масалалар ўзбекистонлик олимлар Й.О.Жўраев, М.Б.Усмонов, Ж.Т.Холмўминов, Ш.Х.Файзиев, М.М.Нурматов, Ж.И.Сафаров, Н.К.Скрипников ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида муайян даражада кўриб чиқилган. Хусусан, У.Т.Аюбов, Н.Ш.Ражабов, Д.У.Арипов, А.А.Нуридуллаев ва бошқаларнинг ишларида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг муҳим чора-тадбирлари ҳисобланган экологик экспертиза, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишда жамоатчилик назорати, санитария-эпидемиология назорати, экологик меъёрлаш ва нормалаш, чиқиндилар билан муносабатда бўлиш, фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ илмий муаммолар тадқиқ этилган.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Хорижий давлатлар ҳуқуқшунос олимлари В.И.Андрейцев, С.А.Боголюбов, М.М.Бринчук, А.К.Голиченков, О.Л.Дубовик, И.О.Краснова, В.В.Петров, Д.А.Байдельдинов, Г.Винтер, К.Дунер, Л.Кремер, Ж.Нассет, Н.А.Робинсон, Г.В.Ренгелинг, Р.Steinберг, Д.Хугесва бошқалар<sup>1</sup> томонидан табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий таъминлашбилан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг баъзи ҳолатлари ўрганилган ва таҳлил қилинган. Хусусан, 1999 йилда М.В.Махрова томонидан «Экология ҳуқуқи принципи сифатида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш»га бағишланган номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган.

Бироқ юқорида номлари зикр этилган олимларнинг илмий ишлари ва ёндашувларида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг экологик-ҳуқуқий асослари комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган. Шунинг учун бу институтнинг экологик-ҳуқуқий асосларига боғлиқ назарий ва амалий вазифаларни ҳал этиш талаб этилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари мавзусига мос келади. Тадқиқот ишининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Илмий кенгашининг 2019 йил 27 декабрдаги йиғилишида (5-сонли баённома) тасдиқланган ва университет илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг экологик-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тушунчаси, мазмуни ва вазифаларини таҳлил қилиш;

экология ҳуқуқи принципларини тадқиқ қилиш ҳамда улар тизимида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ўрнини аниқлаш;

табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш асосларини ўрганиш;

табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашда давлат бошқарув органларининг ўрни ва ролини аниқлаш ва тадқиқ этиш;

экология ҳуқуқида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш муаммоларини таҳлил этиш;

табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва улардан миллий қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланиш истиқболларини аниқлаш;

---

<sup>1</sup> Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

табiiй ресурслардан оқилона фойдаланмаганлик учун юридик жавобгарлик чораларини тадқиқ этиш ва уларни такомиллаштиришга оид илмий асослантирилган таклифлар тайёрлаш;

табiiй ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий ва амалий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** табiiй ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш мезонлари, усуллари, принциплари, иқтисодий-ҳуқуқий усуллари, табiiй ресурслардан фойдаланишга оид қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси, юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ҳамда мазкур муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир масалалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга оширишда анализ ва синтез, кузатиш, таҳлил қилиш (статистик, қиёсий ва ҳ.к.), умумлаштириш, социологик усуллар (анкета сўровлари), мантиқийлик ҳамда статистик маълумотларни тизимли таҳлил қилиш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, табiiй ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлашни экологик назоратнинг вазифалари доирасига киритиш зарурлиги асосланган;

табiiй ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши мумкин бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизликни экологик назорат объекти сифатида белгилаш шартлиги асослантирилган;

ерга эгалик қилувчилар, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан ерлардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги учун маъмурий жавобгарликни белгилаш зарурати асослаб берилган;

таълим олувчиларнинг эътиборини умумбашарий экологик муаммоларга қаратиш орқали уларнинг она табиатнинг қайта тикланмайдиган манбаларини сақлаб қолиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги масъулиятини кучайтириш зарурати асослантирилган;

бошланғич синфларда ўқувчилар ўқув фанлари доирасида қўшимча равишда ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни киритиш, шунингдек, умумтаълим мактаблари учун ўқувчилар ёшига мос равишда ичимлик сув ва бошқа табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш каби долзарб муаммолар юзасидан ўқув-қўргазмали материаллар, видеороликлар ва дидактик материалларни ишлаб чиқиш зарурати асосланган.



### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларданиборат:**

табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий мезонлари, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш принципи, барқарор ривожланиш концепциясининг илмий-ҳуқуқий таҳлили асосида уларнинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи концептуал назарий тушунчаларни экология ҳуқуқи илмига жорий этиш зарурати асосланган;

табиий ресурслардан оқилона (барқарор) фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви, тартибга солиш ва назорат функцияларининг табиий ресурслардан фойдаланиш функцияси билан қўшиб олиб борилишига йўл қўйилмаслиги каби принципларни қонунчиликка киритиш зарурлиги асослаб берилган;

жамоат муҳокамасини ўтказиш муддатлари, кенг жамоатчиликни бу ҳақда хабардор қилиш манбалари, жамоат муҳокамаси натижаларини ҳуқуқий расмийлаштириш масалаларини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

фуқароларнинг ўрмонлардан умумий фойдаланиш ҳуқуқини «маданий-соғломлаштириш, туристик ва спорт тадбирларида иштирок этиш» ҳуқуқи билан қўшимча тарзда тўлдириш зарурати асослаб берилган;

атроф муҳитга таъсирни баҳолашнинг хўжалик ва бошқа фаолиятнинг жиддий экологик оқибатларининг олдини олишдаги роли ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда атроф табиий муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисида алоҳида қонунни ишлаб чиқиш зарурати асослантирилган;

ифлослантирувчи моддаларни атмосферага нормативдан ортиқ даражада ёки руҳсатсиз чиқариб ташлаш, шунингдек атмосфера ҳавосига зарарли физик таъсир курсатиш учун жавобгарликни кучайтириш зарурати асосланган;

экологик меъёрлаш қоидаларини бир йил ичида такроран бузганлик ёки унинг натижасида оғир оқибатлар келиб чиққанлиги учун жавобгарликни белгилаш зарурати асослаб берилган;

экология соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни қайта кўриб чиқиш, бунда оғир оқибатлар келиб чиққан ҳолатлар учун жавобгарликни кучайтириш, шунингдек, юридик шахсларнинг экологик жиноятлар учун жавобгарлигини жорий этиш зарурати асослантирилган;

Қизил китобга киритилган, камёб ва йўқолиб бораётган ҳайвонот дунёси объектларининг сонини тиклаш мақсадида ушбу табиат объектларини овлашга нисбатан мораторий жорий этиш мақсадга мувофиқлиги исботлаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Тадқиқотда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган илмий-назарий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, халқаро тажриба ва миллий қонунчилик нормаларининг ўзаро таҳлил қилингани, статистика ва амалиёт материалларига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга

жорий этилгани, натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилингани, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамиятлилиги унда назарда тутилган илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш институтига тааллуқли масалалар юзасидан илмий изланишлар олиб бориш, бу соҳадаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда «Экология ҳуқуқи», «Ер ҳуқуқи» ва «Сув ҳуқуқи» фанларини ўқитиш ва илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш институтига тааллуқли ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишустидан экологик назоратни амалга оширувчи ваколатли давлат органлари фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар қуйидагиларда фойдаланилган:

табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлашни экологик назоратнинг вазифалари сифатида белгилаш тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрдаги «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасини тайёрлашда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 15 июндаги 06-13/1012-сон далолатномаси). Ушбу таклифлар табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши мумкин бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизликни экологик назорат объекти сифатида назарда тутиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрдаги «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасини тайёрлашда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 15 июндаги 06-13/1012-сон далолатномаси). Ушбу таклифлар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида экологик назоратнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ерга эгаллик қилувчилар, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан ерлардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги учун маъмурий жавобгарликни белгилаш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 июлдаги ЎРҚ–487-сон Қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз холга

туширишга оид 65-моддасини иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдиришда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 15 июндаги 06-13/1012-сон далолатномаси). Мазкур таклифлар табиатдан фойдаланувчиларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилган;

таълим олувчиларнинг эътиборини умумбашарий экологик муаммоларга қаратиш орқали уларнинг она табиатнинг қайта тикланмайдиган манбаларини сақлаб қолиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги масъулиятини кучайтириш масаласини Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясининг устувор йўналиши сифатида белгилаш тўғрисидаги таклифдан Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 27 майдаги 434-сон қарори 2-бандининг тўртинчи хатбошисини тайёрлашда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 10 июндаги 12/20-5-сон далолатномаси). Мазкур таклифлар табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашда ёшлар ва вояга етмаганларнинг экологик-ҳуқуқий онги ва маданиятини янада ошишига хизмат қилган;

бошланғич синфларда ўқувчилар ўқув фанлари доирасида қўшимча равишда ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни киритиш, шунингдек, умумтаълим мактаблари учун ўқувчилар ёшига мос равишда ичимлик сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби долзарб муаммолар юзасидан ўқув-кўргазмали материаллар, видеороликлар ва дидактик материалларни ишлаб чиқиш кабиларни назарда тутиш тўғрисидаги таклифлар Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги 434-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясининг 21 ва 23-бандларини тайёрлашда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 10 июндаги 12/20-5-сон далолатномаси). Мазкур таклифлар табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашда ёшлар ва вояга етмаганларнинг экологик-ҳуқуқий онги ва маданиятини янада ошишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та (10 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, ўнта параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми кўрсатиб берилган.

Диссертация ишининг биринчи боби **«Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий таъминлашнинг умумий тавсифи ва юридик табиати»** деб номланиб, тўрт параграфни ўз ичига олади.

Ушбу бобда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш тушунчаси, мазмуни ва вазифалари, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш мезонлари ва усулларининг илмий моҳияти, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш принципларининг илмий-назарий мазмуни, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган ҳуқуқ нормаларининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган.

Хусусан, тадқиқотчи фикрича, экология ҳуқуқи фани назариясидатабиий ресурсларданоқилона фойдаланиш тушунчасини тадқиқ қилишдаунинг турли жиҳатларига эътибор қаратилади, масалан:табиий ресурсларни муҳофазалаш талабларига риоя қилиш, табиий ресурсларни тиклаш ва сақлаш(Ш.Файзиев); инсон, табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муаносибликни сақлаш (Ж.Холмўминов);табиий ресурслар захирасини кескин камайиб кетиши ва атроф табиий муҳитда чуқур ўзгаришларга сабаб бўлмайдиган юқори самарали хўжалик юритиш(Н.Реймерс); иқтисодий самара билан бир вақтнинг ўзида фойдаланилаётган табиий ресурс ва атроф табиий муҳитни яхлит ҳолда муҳофаза қилишни кўзда тутиш (В.Петров).

Тадқиқотчи табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни тушунишдабиринчидан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишни ўзаро қарама-қарши қўйилмаслиги, иккинчидан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши лозимлигига эътибор қаратади.

Ушбу параграфда изланувчи томонидан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси тўғрисида билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқи

бўйича икки – дифференциявий ва интеграциявий ёндашувлар ажратиб кўрсатилади. Унга кўра, дифференциявий ёндашув алоҳида табиий объектлар юзасидан ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни кўзда тутса, интеграциявий ёндашувда табиий муҳитдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш масалалари ягона объект сифатида ёндашилган ҳолда ҳал этилади.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг барча турлари учун умумий бўлган вазифа инсонларнинг турли-туман эҳтиёжларини (иқтисодий, физиологик, рекреациявий, эстетик ва б.қ.) қондириш ва бир вақтнинг ўзида табиатнинг турли шаклларда деградацияга (табиий ресурсларнинг тугаши, атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши) учрашининг олдини олишдир. Шу боис табиий ресурслардан фойдаланишнинг барча турлари учун умумий бўлган табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, яъни табиий ресурслардан экологик асосланган ҳолда фойдаланиш принципи амал қилади.

Диссертант экология ҳуқуқи нуқтаи назаридан табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга «табиий ресурсларни ўзлаштириш (ишлатиш) ҳамда атроф табиий муҳитга зарарли кимёвий, физик ва биологик таъсир кўрсатишни экологик қонунчиликда белгиланган илмий асосда бўлиши ҳамда пировардида экологик тизимнинг барқарорлиги ҳамда атроф табиий муҳитнинг қулай ҳолати сақланишини таъминланиши» деган муаллифлик таърифни беради.

Экология қонунчилигида белгиланган табиий ресурсларни ўзлаштириш (фойдаланиш)нинг ва табиатга зарарли таъсир кўрсатишнинг илмий асосланган чегаралари табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий мезонлари мақомини олади. Тадқиқотчи табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг асосий мезони сифатида унинг самарадорлиги – табиий ресурслардан фойдаланишда кам харажат қилиб кўп фойда олиш ва айни дамда фойдаланилаётган табиий ресурс муҳофазасини таъминлашни кўрсатади.

Ушбу боб доирасида диссертант табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг муҳим экологик-ҳуқуқий воситаларини батафсил таҳлил қилади. Хусусан, тадқиқотчининг фикрича, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг муҳим экологик-ҳуқуқий воситаларидан бири экологик меъёрлаш бўлиб, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 4-бобида атроф табиий муҳит сифатини нормативлар билан тартибга солиш масалалари ҳуқуқий ифодасини топган.

Бу борадаги муҳим экологик-ҳуқуқий воситалардан бири – атроф табиий муҳитга таъсирни баҳолаш бўлиб, у табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш принципини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмида хўжалик ва бошқа экологик аҳамиятдаги қарорларни қабул қилишга тайёргарлик кўриш босқичида экологик талаблар бажарилишини таъминлашга қаратилган.

Диссертант ушбу соҳадаги таҳлиллар натижасида атроф табиий муҳитга таъсирни баҳолашнинг хўжалик ва бошқа фаолиятнинг жиддий

экологик оқибатларининг олдини олишдаги роли ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Атроф табиий муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисида»ги Қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклифини илгари суради.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг яна бир экологик-ҳуқуқий усули экологик экспертиза бўлиб, ҳозирги кунда у атроф табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган хўжалик ёки бошқа қарорни қабул қилиш босқичида экологик талаблар бажарилишини таъминлашнинг асосий воситаси бўлиб қолмоқда.

Изланувчининг ёзишича, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг экологик-ҳуқуқий усулларида бири сифатида лицензиялаш табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмида муҳим ўрин тутаяди ҳамда табиий ресурслардан фойдаланувчи томонидан хўжалик ёки бошқа қарорни амалга ошириш учун табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш босқичида экологик талабларга риоя этилишини таъминлашга қаратилган.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш мезонлари тизимида экологик мониторинг ва экологик назоратмуҳим аҳамият касб этади. Бу борада тадқиқотчи экологик мониторингнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратади. Хусусан, бу борада тўпланган амалий ва ҳуқуқий тажрибани умумлаштирган ҳолда келгусида Ўзбекистон Республикасининг «Экологик мониторинг тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиш таклифи асослаб берилади.

Тадқиқотчи табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган экологик-ҳуқуқий воситалар тизимида муайян камчиликлар кўзга ташланишини, бу авваламбор, юқоридаги экологик-ҳуқуқий усулларни тартибга солишнинг зарур норматив-ҳуқуқий базаси етарли даражада шаклланмаганлиги, ушбу институтларни тартибга солувчи мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий мақоми ҳам бир хил эмаслигини кўрсатиб беради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари**» деб номланиб, уч параграфни ўз ичига олади.

Ушбу бобда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашда давлат бошқарувининг ўрни ва роли, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг иқтисодий-ҳуқуқий усуллари, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш воситаси сифатида юридик жавобгарлик масалалари таҳлил қилинган.

Хусусан, тадқиқотчи фикрича, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни давлатнинг доимий ва аниқ йўналтирилган чоратadbирларисиз амалга ошириб бўлмайди. Давлат бошқарувининг асосий вазифаси маъмурий ва ҳуқуқий чоралар тизими ёрдамида экологик муносабатлар соҳасида қонунлар ижросини таъминлашнинг муносиб ҳимоясини ташкил этишдан иборатдир.

Диссертант табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви деганда, ваколатли давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган инсоннинг қулай атроф табиий муҳит шароитларига эга бўлишини таъминлаш мақсадида табиий экологик тизимлар ва табиий ресурсларни сақлаб қолишни ҳуқуқий онгни экологизациялаш ва ҳуқуқ йўли билан тартибга солишга қаратилган фаолиятни тушуниш зарурлигини асослантиради.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муносабатлари соҳасида давлат бошқаруви экология ҳуқуқининг энг муҳим, асосий ва айни дамда мураккаб институтларидан бири ҳисобланади, бинобарин, у ўз ичига бир неча институтларни ҳам қамраб олади. Ушбу институт экологик кадастрни юритиш, давлат экология назоратини амалга ошириш, низоларни ҳал қилиш ва шунга ўхшаш бошқа институтлардан таркиб топади.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муносабатларини давлат томонидан тартибга солишни амалга ошириш шакллари сифатида диссертант қуйидагиларни кўрсатиб ўтади: 1) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилиши, қўлланилиши ва бажарилишини таъминлаш (назоратнинг ушбу шаклига қонун, қарор, фармон, фармойиш, дастур, шунингдек, нормативлар, стандартлар ва ш.к.ларни қабул қилиш, тасдиқлаш, қўллаш ва бажарилишини таъминлаш киради); 2) мониторинг хизматини юритиш; 3) назорат фаолиятини амалга ошириш (текшириш, баҳолаш, таҳлил ўтказиш, кадастр юритиш ва ҳисобдорлик).

Тадқиқотчи табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг иқтисодий усуллари муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб ўтади. Иқтисодий усуллар иқтисодий рағбатлантиришдан фойдаланишга асосланган, бошқарув ходимлари ва меҳнат жамоасининг улар олдида турган вазифаларни ҳал қилишда моддий манфаатдорлиги ва моддий жавобгарлигини кўзда тутади.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга таъсир этишнинг аниқ иқтисодий-экологик усуллари «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда (33-модда) белгиланган. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий-экологик усулларитабиий ресурслардан махсус фойдаланганлик учун, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик (шу жумладан чиқиндиларни жойлаштирганлик) ва атроф табиий муҳитга бошқача тарзда зарарли таъсир кўрсатганлик учун тўлов ундириш; камчиқитли ва ресурсларни тежайдиган технологиялар жорий этилганида корхона, муассаса ва ташкилотларга, шунингдек, айрим шахсларга солиқ, кредит имтиёзлари ва ўзга имтиёзлар бериш; экология нуқтаи назаридан хавфли технологияларни қўллаганлик учун корхона, муассаса ва ташкилотларга нисбатан махсус солиқлар жорий этишни назарда тутади.

Табиий муҳитнинг қулай ҳолатини бузган корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқаролар зиммасига уни тиклаш вазифасини юклаш; табиат объектларини бузиш ёки йўқ қилиб юбориш оқибатида етказилган зарар учун белгиланган тартибда товон пули ундириш; экологик соф маҳсулот

чиқарганлик учун рағбатлантирувчи нархлар ва устама ҳақлар белгилаш; табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик, меъёрда белгиланганидан ортиқча фойдаланганлик учун табиатдан фойдаланувчиларга нисбатан иқтисодий жазо чораларини қўллаш ҳам табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий-экологик усулларитизимида муҳим ўрин тутади.

Диссертант табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашда экологик дастурларнинг аҳамияти катта бўлсада, уларнинг самарадорлиги юқори бўлмаётганлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, бунинг бир қанча сабаблари бўлиб, биринчиси – уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ноаниқлиги, ушбу дастурларнинг ҳуқуқий мақоми, юридик кучи, дастурдаги тадбирларнинг ижросини таъминламаганлиги учун масъулларнинг жавобгарлиги масалалари ҳали аниқ ечимини топмаган; иккинчиси – дастурларнинг айрим ҳолларда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг мавжуд экологик қонуниятларига мос келмаслиги; учинчиси – дастурларнинг етарли даражада молиялаштирилмаслиги.

Тадқиқотчининг ёзишича, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг иқтисодий усулларида бири экологик суғурта бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида у тадбиркорлик фаолияти тури сифатида ривожланмоқда. Экологик суғурта – бу ташкилотларнинг (ошиқча экологик хавф манбаи) жавобгарлигини ва суғурталанувчининг тўсатдан (кўқисдан, қасддан бўлмаган) рўй берган атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши натижасида зарар кўрган мулкий манфаатларини суғурталашдан иборат бўлиб, етказилган зарарни компенсация қилиш ва табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ва экологик хавфсизликни молиялаштиришнинг қўшимча манбаи бўлиб хизмат қилади.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарлик масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Шу муносабат билан диссертант табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун экологик-ҳуқуқий жавобгарликни такомиллаштиришнинг учта йўналишини ажратиб кўрсатади:

1) ифлослантирувчи моддаларни атмосферага нормативдан ортиқ даражада ёки рухсатсиз чиқариб ташлаш, шунингдек атмосфера ҳавосига зарарли физик таъсир курсатиш учун жавобгарлик белгиланган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 85-моддаси санкция қисмини ҳам «фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар билан тўлдириш таклифи илгари сурилади. Мазкур модда санкциясида фақат мансабдор шахслар жавобгарлиги белгиланган бўлиб, бироқ унинг объектив томони нафақат мансабдор шахс, балки фуқаролар томонидан ҳам содир этилиши мумкин;

2) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига экологик меъёрлаш қоидаларини бир йил ичида такроран бузганлик ёки унинг натижасида оғир оқибатлар келиб чиққанлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи алоҳида модда киритиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу экологик меъёрлаш талабларига қатъий риоя этилишини яна бир бора кафолатлайди. Шу мақсадда



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 14-бобига экологик меъёрлаш қоидалари бузишга оид 193<sup>1</sup>-моддани киритиш таклиф этилади;

3) экологик жиноятлар оқибатлари кўпчилик ҳолларда дарҳол намоён бўлмайди, балки узок вақт ўтгач, аста-секинлик билан юзага чиқишини инобатга олиб, тадқиқотчи экология соҳасидаги жиноятларга оид Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 14-бобида белгиланган жиноят таркибларини қайта кўриб чиқиш асосида уларни моддий эмас, балки формал таркибли этиб белгилаш, оғир оқибатлар келиб чиқишини эса қилмишнинг оғирлаштирувчи ҳолатлари сифатида баён этишни асослаб беради.

Диссертациянинг учинчи боби **«Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш бўйича хорижий тажриба ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари»** деб номланиб, учта параграфни ўз ичига олади.

Мазкур бобда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси ва улардан миллий қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланиш масалалари, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг муҳим омили сифатида барқарор ривожланиш концепциясини жорий этиш истиқболларитаҳлил этилган.

Муаллиф табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда халқаро тажрибани ўрганиш муҳим аҳамият касб этишига эътибор қаратади. Унинг ёзишича, иқтисодий ривожланган давлатларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш талабининг мустақамланиши экология соҳасидаги комплекс қонунлар билан тартибга солинади. Хусусан, улар сирасига «Атроф муҳитнинг ифлосланишига қарши кураш тўғрисида»ги асосий қонун (Япония, 1967 йил), «Атроф муҳит тўғрисида»ги асосий қонун (Япония, 1993 йил), «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун (Швеция, 1969 йил), «Атроф муҳит соҳасидаги миллий сиёсат тўғрисида»ги қонун (АҚШ, 1970 йил), «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун (Франция, 1976 йил), «Табиатни муҳофаза қилиш ва ландшафтни режалаштириш тўғрисида»ги қонун (ГФР, 1976 йил) ва б.қ. киради.

Ҳозирда АҚШда «Атроф муҳит соҳасида миллий сиёсат тўғрисида»ги қонун (1970 йил), «Тоза ҳаво тўғрисида»ги қонун (1970 йил), «Тоза сув тўғрисида»ги қонун (1972 йил), «Йўқолаётган турлар тўғрисида»ги қонун (1973 йил), «Ресурсларни қайта тиклаш ва консервация қилиш тўғрисида»ги қонун (1976 йил) ва «Суперфонд тўғрисида»ги қонунлар федерация даражасида амал қилиб, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

МДХ давлатларида ҳам экология соҳасида қонун ижодкорлиги жараёнининг фаоллашуви кузатилмоқда. Хусусан, Қозоғистонда «Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (1991, 1997й.), Ер кодекси (1990 й.), Ер қаъри ва минерал хом ашёни қайта ишлаш тўғрисидаги

кодекс(1992 й.), Ўрмон кодекси(1993 й.), Сув кодекси(1993 й.), «Хайвонот дунёсидан фойдаланиш, қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун(1993 й.), «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонун(1997 й.), «Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонун(1997 й.), Экология кодекси(2009 й.) қабул қилинган.

Россия Федерацияси 2002 йил 10 январдаги «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида қулай атроф муҳит ва экологик хавфсизликни таъминлашнинг зарурий шарти сифатида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш кўзда тутилган. Беларусь Республикасида «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун билан бир вақтда Ер кодекси, Ер қаъри кодекси, Ўрмон кодекси ва Сув кодекси ҳам амал қилади.

Польша, Венгрия, Словакия, Чехия каби Марказий ва Шарқий Европа давлатларида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги экологик қонунчилик ҳужжатлари нисбатан эрта ривожланган. Хусусан, Болгария, Венгрия ва Польшада 80-йиллардаёқ атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида бир қатор қонунлар қабул қилинган. Ҳозирда бундай қонунлар мазкур минтақадаги барча давлатларда қабул қилинган бўлиб, улар атроф муҳитни зарарли таъсирлардан муҳофаза қилишни ҳар томонлама тартибга солишни кўзда тутади.

Диссертантнинг ёзишича, АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия ва бошқа иқтисодий ривожланган давлатларда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қонунчилик тизимини яратиш баробарида унга риоя этилишини таъминлашга қаратилган давлат органлари тузилмалари ҳам ташкил этилган. Ушбу давлатларда икки турдаги – маслаҳатчи ва ижро этувчи-фармойиш берувчи органлар фаолият юритади.

Маслаҳатчи органларга қуйидагиларни киритиш мумкин: Атроф муҳит сифатида бўйича кенгаш(АҚШ, 1970й.), Атроф муҳитни ифлослантириш устидан назорат қилиш бўйича Қироллик комиссияси (Буюк Британия, 1970 й.), Атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича федерал кўмита(ГФР, 1974 й.), Ифлослантиришни назорат қилиш бўйича Марказий кенгаш(Япония, 1974 й.). Ушбу органларнинг вазифаси сифатида ҳукуматни атроф муҳит ҳолати тўғрисида хабардор қилиб туриш; ривожланиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида атроф муҳитга таъсирни баҳолаш, прогноз қилиш; иқтисодий ва экологик манфаатларни уйғунлаштириш доирасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни кўрсатиш мумкин.

Атроф муҳит соҳасидаги бош ижроия-фармойиш берувчи орган сифатида Атроф муҳит ишлари бўйича вазирлик(Буюк Британия, 1970 й.), Атроф муҳит ишлари ва ҳаёт сифати бўйича вазирлик(Франция, 1978 й.), Атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича агентлик(Япония, 1971 й.), Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиатни химоя қилиш ва реакторлар иши

хавфсизлиги бўйича вазирлик(ГФР)ни кўрсатиш мумкин бўлиб, уларнинг вазифалари доирасига экологик сиёсатни ишлаб чиқиш; атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш; экологик стандартлар ишлаб чиқиш; минтақа ва маҳаллий органларга техник ва молиявий ёрдам кўрсатиш соҳасини мувофиқлаштириш; атроф муҳит тўғрисидаги қонунчилик бажарилиши таъминлаш кабилар киради.

Диссертант ушбу жараёнда махсус органлардан ташқари табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича бошқа органлар ҳам қатнашишини алоҳида таъкидлайди. Хусусан, АҚШда Ички ишлар вазирлиги тизимидаги Ерлар бошқаруви Бюроси(1946й.), Миллий парклар хизмати(1916й.), Балиқ ва ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш хизмати(1940й.), АҚШ геологик кузатиш хизмати(1879й.), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимидаги Тупроқни муҳофаза қилиш хизмати(1935й.), Ўрмон хизмати (1897й.), Миллий океан ва атмосфера маъмурияти(1970 й.), АҚШ Адлия вазирлиги(Ер ва табиий ресурслар бошқармаси) табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича фаолият олиб боради.

Мазкур параграфда диссертант хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш механизмини такомиллаштириш борасида бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишнинг таклиф қилади. Биринчидан – тупроқдан оқилона фойдаланиш, шунингдек, қишлоқ хўжалигида агрохимикатлардан фойдаланиш меъёрларини такомиллаштириш ва уларга риоя этилиши устидан назорат қилиш чора-тадбирларини кучайтириш.

Иккинчидан – қонунчилик самарадорлигини ошириш ва шу тариқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга эришиш мақсадида келгусида экологик қонунчиликни кодификациялаш ва ушбу жараёнда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга оид талабларни қамраб олувчи махсус нормаларни белгилаш.

